
ДАНҒАРАДА ҲАР БИР ХОНАДОН ЭЪТИБОРДА БЎЛАДИ: ПРОФИЛАКТИК ҲИСОБДА ТУРУВЧИ ВА ЭҲТИЁЖМАНД ОИЛАЛАРГА КЎМАК КЎРСАТИШ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

Вилоят ҳоқими Хайрулло Бозоров Данғара туманида олиб борилган ўрганишлар жараёнида Қияли МФЙ Олчазор кўчасидаги профилактик ҳисобда турувчи хонадонда ҳам бўлиб, уларнинг яшаш шароитлари, иш билан бандлиги, томорқадан унумли фойдаланиш ҳолати билан танишди.

Олчазор кўчасида яшовчи Фаррух Абдумаликов хонадониди 9 киши, ота-онаси, ўзининг оиласи ва укаси ҳам оиласи билан яшайди. Хонадонда муқим ишловчилар йўқ, кунлик топилган даромад ҳисобига рўзғор тебратилади. Ҳам отаси, ҳам ака-укалар ёлланма ишчи бўлиб ишлайди. Аёллари эса уй ишлари билан банд.

Вилоят раҳбари Фаррух Абдумаликов билан суҳбат давомида хонадондаги бўш турган томорқага эътибор қаратди.

Туман сектор раҳбарларига бўш томорқа ўрнида иссиқхона қуриб, ернинг унумдорлигини ҳисобга олган ҳолда у ерда помидор, бодринг, кўкатлар экишни ташкил этиш топшириғини берди. Бундан ташқари, кредитга чорва ҳайвонлари ҳам берилиши маълум қилинди.

Шу куни вилоят ҳоқими тумандаги “Телиминг” МФЙ Билим кўчасида яшовчи Эргашевлар хонадониди ҳам бўлди. Уй эгаларига кредит эвазига 18 та қуён, 53 дона товуқ ҳамда 5 та қўй берилган ва оиланинг доимий даромад манбаи яратилган.

Хайрулло Бозоров бу хонадонни камбағалликдан чиқариш учун амалга оширилган ишларни намуна сифатида қайд этиб, туманда бундай тажрибани кенгайтириш, аҳоли турмуш шароитларини яхшилаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш учун фуқаролар бандлигини таъминлаш муҳим масала эканлигини таъкидлаб, секторлар раҳбарларига кўрсатма ва топшириқлар берди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook](#),
2021-12-07 23:19:51